

**БОБУРНИНГ ТИЛ БИЛИМИ БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИГА БИР БОҚИШ  
(«БОБУРНОМА» МИСОЛИДА)**

**ТИЛШУНОСЛИК**

**СОДИҚОВ ҚОСИМЖОН**

филология фанлари доктори, профессор, ТДШУ

Crossref doi: <https://doi.org/10.37547/ot/vol-01issue-02-05>

***Аннотация.** Заҳириддин Муҳаммад Бобур улуг ҳукмдор, ажойиб саркарда, беназир адиб ва тарихчи, адабиётшунос, мусиқашунос бўлиши билан бирга, кучли тилишунос ҳам эди. Бобурнинг тилишуносликка оид махсус асари йўқ. Шундай эса-да, олим «Бобурнома» асарини ёзар экан, ора-орада айрим жой отларининг этимологияси ҳақида фикр юритади, уларнинг тарихий отлари ҳақида маълумот беради. Асарда муаллиф туркий тилнинг бой имкониятларидан унумли фойдаланган. «Бобурнома» тарих, классик адабиёт ва туркий ёзма адабий тилининг ажойиб асаридир. Буларнинг бари тил билими соҳасида Бобур кучли билим эгаси, ўткир тилчи олим эканини англатиб туради. Ушбу мақола Бобурнинг тил билими соҳасидаги қарашларига бағишланган.*

***Таянч сўз ва иборалар:** ўзбек классик адабиёти; мемуар асар, хатт-и бобурий; ёзма адабий тил, туркий тил, чигатой тили; жой отлари этимологияси; китобат иши.*

***Аннотация.** Захиратдин Мухаммад Бабур был великим правителем, велеколенным полководцем, несравнимым писателем и поэтом, историком, литературоведом, также знатком тюркского языка. У Бабура небыло специальное произведение по языкознанию. Несмотря на это, в своем произведение «Бабурнаме» учёный часто разъясняет этимологию некоторых топонимов и даёт сведения о исторических названиях этой местности. Автор использовал всеми богатствами тюркского языка. «Бабурнаме» является уникальным памятником истории, классической литературы и тюркского письменно-литературного языка. Всё это свидетельствует о том, что он был крупным специалистом по языкознанию. Данная статья посвящена языковедческим знаниям великого деятеля.*

***Опорные слова и выражения:** узбекская классическая литература; мемуарное произведение; алфавит Бабура; письменный литературный язык, тюркский язык, чагатайский язык; этимология топонимов; книжное дело.*

***Abstract.** Zahiraddin Muhammad Babur was a great ruler, a magnificent commander, an incomparable writer and poet, historian, literary scholar, and also a connoisseur of the Turkic language. Babur did not have a special work on linguistics. Despite this, in his work "Baburname" the scientist often explains the etymology of some toponyms and provides information about the historical names of this area. The author used all the riches of the Turkic language. "Baburname" is a unique monument of history, classical literature and the Turkic written and literary language. All this indicates that he was a major specialist in linguistics. This article is devoted to the linguistic knowledge of the great figure.*

***Keywords and expressions:** Uzbek classical literature; memoir; Babur's alphabet; written literary language, Turkic language, Chagatay language; etymology of toponyms; book art.*

**Кириш.** Ўзбек классик адабиёти ва эски ўзбек ёзма адабий тили, ўзбек тарихнавислиги ривожига Заҳириддин Муҳаммад Бобур (Zahīruddīn Muḥammad Bābur pādshāh ibn-i 'Umaršayx mīrzā ibn-i Sultān Abu-Sa'īd mīrzā Kōrāgān ibn-i Sultān Muḥammad mīrzā ibn-i

Мірәншāh мīrzā ibn-i Temürbeg Kōrāgān)нинг хизматлари бениҳоя улуғ. У ўтмишда улуғ ҳукмдор ва саркарда, буюк адиб, машҳур тарихчи, адабиётшунос ва тилшунос, ажойиб санъатлар эгаси сифатида из қолдирган.

Таниқли тазкиранавис Ҳасанхожа Нисорий «Музаккир-и аҳбоб» тазкирасининг ўткинчи жаҳондан мангулик мулкига кўчган чиғатой султонларига бағишланган бўлимида Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ҳурмат билан ёдга олиб, шундай ёзган эди: «Чиғатой султонларининг энг сараси ва зўр шижоатлиси эди. Шамшир зарби билан Мовароуннаҳр мамлакатларига эга бўлиб, уни сақлаб қолишда кўп саъй-ҳаракатлар ва жонини аямай, жаҳду жадаллар кўрсатди. Мардона тўқнашувлар қилди, аммо тақдир ўқига тадбир қалқони дош бера олмагач, бирор натижа чиқара олмади. ... Мулк қўлдан кетгач, таб тўтиси ҳинд шакаристонига майл билдириб, денгиз мавжли эътиборини Ҳиндистон мамлакатларини эгаллашга сарф қилиб, қоронғулик ўлкасини қуёш ёғдули қиличи шуъласи нурлари билан чароғон этиб, ҳумоюн толе туфайли муҳолиф лашкарига шикаст етказиб, феруз бахт билан шохликнинг феруз тахтига ҳазрат Дехлида комрон ўлтурди» (Нисорий 1993,51–52).

Бобурнинг Ўрта Осиёда Темурийлар салтанати (яъни *Temür-begniy yurti* – BN.251)ни мустаҳкамлашга бўлган урунишлари, жангу жадаллари зое кетган эса-да, ўз олдига қўйган эзгу мақсади ва улуғ ишларини Ҳиндистонда юзага чиқарди.

Бобур ҳаётининг катта бир қисми жангу жадаллар, давлат ишлари, халқ ташвиши билан боғлиқ ҳолда кечган бўлишига қарамай, бадий адабиёт, илмий соҳаларда ҳам мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. У бутун ижодий фаолиятини туркий адабиёт ва унинг равнақи, ўз она тилисининг ривожига бағишлади, тарихнавислик, бадий адабиёт, адабиётшунослик, диншунослик, мусиқа илми, ҳарб иши соҳаларида ажойиб ва тенги йўқ асарлар ёзди. «Бобурнома» (ёки «Вақоёе», «Бобурия», «Тузук-и Бобурий») асари улуғ олимнинг кўп йиллик меҳнати, ижтимоий-сиёсий ҳаётга бўлган қарашларининг ҳулосаси сифатида яратилган.

Афтидан, Бобур йигитлик чоғларидан ёндафтар тутиб, кўрган-кечирганлари, тарихий воқеалар, муҳим ҳодисаларни ёзиб юрган. Тинч ҳукмдорлик даври бошлангач, уларни таҳрир қилиб, мемуар асар тузган. Бундай фикрга келинишининг сабаби шундаки, «Бобурнома»даги маълумотлар шу қадар аниқ ва равшан, буларни хотирада сақлаб, кейинчалик қоғозга туширишнинг имкони ҳам йўқ. Ҳатто баъзи воқеалар кунма-кун баён қилинган.

«Бобурнома» ўша замондаёқ ҳукмдорнинг буйруғи билан форсийга таржима қилинган эди. Асарни кўчирган котибнинг китоб охирида келтирган маълумотида бу ҳақда шундай битилган: *Uşbu kitāb-kim, Bāburīyadur, Bayramxannī oylī Mīrzāxanū buyurdīlar-kim: Türkīdin fārsīya keltürgil-kim, türkī bilmāyan xalāyīqqa āsān bolūay* (BH.356).

#### **Бобур қўллаган туркий ёзма адабий тил**

Бобур ўз давридаги Фарғона, Мовароуннаҳр ва Хуросон туркий улусини *türk*, унинг тилини эса *türkī*, *türkī til* деб атаган. Жумладан, Андижон халқи ва унинг тили ҳақида сўз юритиб, ёзади: *Eli türkdür. Şahrī-vu bāzārīsīda tükī bilmās kişi yoqtur* (BN.5).

Ёки Бобур Ҳусайн Бойқаро давридаги Ҳирот адабий муҳитини таърифлар экан, Алишер Навоийни тилга олиб, ёзади: *'Alī-Şer-beg nazīrī yoq kişi edi. Türkī til bilā tā še'r aytıpturlar, heç kim ança kör va xōb aytqan emās* (BN.355).

Ёки Султон Ҳусайн мирзо таърифида: *Ṭab'-i nazmī bar edi. Devān ham tartib qīlīp edi. Türkī aytur edi. Tahalluşi Ḥusaynī edi*, деб ёзади Бобур (BN.341).

«Бобурнома»да *türk* сўзининг бошқа маънолари ҳам ишлатилган; уларни «халқ, улус; кишининг қавми» англамидаги *türk* билан қориштирмаслик керак.

Масалан, Бобур амакиси Султон Аҳмад тўғрисида сўз юритар экан: Неҳ *nimärsä oquyan emäs edi, ’āmī edi. Bāvujūd-kim, šahrda ulyanīr edi. Türk va sāda edi*, деб ёзади (BN.37). Бу ўринда *türk* сўзи «содда, оддий» маъносидадир.

Ёки Бобур қўллаган *türk* сўзининг бошқа бир маъносига эътибор қилинг: *Yana İslīm Barlas edi. Türk kiši edi* (BN.361); *Yana Teḡri-berdi Samančī edi. Türk-u mardāna va qiličliq yigit erdi* (BN.365); *Yana Amīr ’Umar-beg edi. ... Mardāna-vu türk va yaxši kiši edi* (BN.365). Бу жумлаларда *türk* сўзи «жасур, мард» маъносида келган. Буни унинг *mardāna* сўзи билан жуфт ҳолда келгани ҳам тасдиқлаб турибди: *mardāna-vu türk* бирикмаси – «мард ва жасур» дегани.

*Türk* сўзининг бу маъноси қадимги туркий битигларда ҳам учрайди. Жумладан, Иккинчи турк хоқонлиғи даврида яшаб ўтган юрт эгаларидан бири Билга хоқонни сифат ва унвонлари билан *türk Bilgä qaḡan* деб айтилган; бу ўриндаги *türk* «қудратли; жасур» деган маънодадир: *türk Bilgä qaḡan* – «қудратли / жасур Билга хоқон» (Содиқов 2004,66–72).

Бобур ўзининг бошқа асарларида ҳам ўз халқи ва она тилисига нисбатан *türk, türki, türki til* атамалярини ишлатган.

Масалан, аруз илмига бағишланган «Мухтасар» асарида «туркий улус, халқ» маъносида *türk* сўзини қўллаган:

Олим туркий шеърятдаги туюқ ҳақида сўз юритар экан, *moḡul xanlarī bilä türk salātininiḡ majālisida tuyuqniḡ kör ištihārī bar ekändür*, деб ёзади (Мухтасар.138a,13–138b,1).

Ёки: *Bu vazn türk arasida qoşuqqa mavsumdur* (Мухтасар. 132a,13).

Бобур асарда *türk* сўзи билан бир қаторда *atrāk* (араб. *اتراك*) сўзини ҳам ишлатган (Мухтасар. 146b,13).

Ёки Хайдар Хоразмий асарини тилга олар экан, шоирнинг туркийгўй эканлигини таъкидлаб ўтади: *Mavlānā Xaydar Xvārazmī türkiḡöyniḡ «Gulšānu-i-asrār»idur* деб ёзади Бобур (Мухтасар.165b,11–12).

XV–XVI юзйилларда бутун Мовароуннаҳр халқи ва тилига нисбатан *türk, türkcä, türki* сўзлари билан бир қаторда *čiyatay ~ čayatay* атамаси ҳам қўлланган: юртини, элини *Čiyatay ~ Čayatay, Čiyatay ~ Čayatay eli / diyārī*, халқини *čiyatay ~ čayatay ulusī, čiyatay ~ čayatay xalqī*, унинг тилини эса *čiyatay ~ čayatay tili* дейилди.

Урғулаш ўринлики, *čiyatay ~ čayatay tili* атамаси, асосан, туркий ёзма адабий тилга нисбатан қўлланган.

Алишер Навоий ҳам ўз асарларида *čiyatay ~ čayatay* атамасини ишлатган. «Фавойиду-л-кибар»да кечган ғазалларнинг бирида шундай байт бор:

*Navāyī istā mazāhirda čehra-i maḡsūd,*  
*’Arab-u gar čiyatay, yoḡsa türkmān-u xalaj* (FK.211a,6).

Бу байтда *čiyatay* деганда «халқ, улус» кўзда тутилади.

Навоий *čayatay xalqī* атамасини ҳам ишлатган. У «Мезону-л-авзон» рисоласида *tuyuḡ, qoşuq* сингари туркий шеър ўлчовлари хусусида хабар берар экан, ёзади: *Yana türk ulusī, bataxšiš čayatay xalqī ara šāye’ avzān-kim, alar surudlarin ul vaznlar bilä yasap, majālisda ayturlar* (MA.275b,25–276a,1).

«Мезону-л-авзон»да Навоий *türk tili* атамаси билан ёнма-ён *çayataу lafzi* атамасини ҳам қўллаган: *Türk tili bilä qalam surdum va har neçük qäidada-kim, ma'ni abkärîya ziynat-u äräyiş körgüzüp erdilär, çayataу lafzi bilä raqam urdum. Andaq-kim, bu mađkür bolyan til-u lafz binäsïdur, heç nâzimya bu dast bermäydür va heç räqimya bu muyassar bolmaydur* (MA.269b,6–8).

Бобур *çiyataу* сўзини *çayataу* деб ишлатган, чунки асар қўлёзмасида бу сўзни ёзганда *çim* дан кейин *yaуn* келади: *Çayataу-хан* (چغتای خان) (BN.Fac-simile.12.11); *çayataу ханларі* (چغتای خانلاری) (BN.Fac-simile.13.6–7).

Бобур ўз асарида *çayataу ханларі* (BN.11) сўзини ишлатса-да, Фарғона, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг туркий улуси ва унинг тилига нисбатан *türk; türkî, türkî til* сўзларини қўллаган. У ҳам умумхалқ тили, ҳам ёзма адабий тилни кўзда тутиб, шундай йўл тутган кўринади.

Бобур «халқ, улус» маъносида *sart* атамасини ҳам ишлатган. У Марғинон (مرغینان Marğinan – BN.Fac-simile.7.11), яъни Марғилон қасабаси тўғрисида сўз юритар экан, *eli sarttur* деб ёзади (BN.7). Исфара ҳақида эса, *eli tamām sart va fārsîgōydu* деб ёзади (BN.7). Бу ўринда *sart* деганда хунармандчилик, боғдорчилик ва дехқончилик билан шуғулланувчи ўтроқ аҳоли, яъни туркийлар ва тожиклар кўзда тutilган. Асарнинг Порсо Шамсиев тайёрлаган нашрида бу ўринда *sart va kōhîdu* деб ёзилган (BN.7). Ҳарқалай, у фойдаланган нусхада ана шундай ёзилган бўлуви керак.

Бобур «халқ, улус; кишининг қавми» англамида *özbeğ, özbeğ ulusî* атамасини ҳам ишлатган. Лекин бу ўриндаги *özbeğ* атамаси Фарғона, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг туркий улусига нисбатан эмас, кипчоқ ўзбекларига нисбатан қўлланган. Жумладан, Қосимбек қавчин тўғрисида сўз борар экан, унинг қадимий Андижон қўшин бекларидан эканлигини таъкидлайди, унинг ютуқлари ҳақида ёзади: *Bir martaba Kāsān navāhisini çarqan özbegniç keyiniçä barîp yaxşı bastî* (BN.27).

Ёки бошқа бир мисол. Бобур асарда Султон Маҳмудхоннинг Қорақўзбегим деган хотинидан туғилган Бобоҳон отли ўғлини эслаб, ёзади: *Özbeğlär хannî Хōjandta šahîd qilyanda, anî va andaқ neçä nārasidanî dāye‘ qildilar* (BN.39).

*Özbeğdin elçi kelür, özbeg ulusida bu elçi zōrya mašhūr ekändür. Özbeg zōr kişini «bökä» der emiş. Jānibeg der-kim: «Bökämü-sen? Bökä bolsañ, kel küräşäliñ»* (BN.41).

Ёки яна: *Šāh İsmā‘il özbegni Marvda basqanda Xānzāda-begim Marvda edi* (BN.17).

«Бобурнома»да этноним сифатида *uyur* сўзи ҳам тилга олинган: *Yana bir Abdu-l-karîm ašrit edi, uyur edi. Sultān Aħmad mirzā qaşida eşik-aqa edi* (BN.45).

Асарда «халқ, улус; кишининг келиб чиққан қавми» англамида *qazaq* сўзи ҳам ишлатилган: *Adik sultān ... qazaq sultānlaridindur* (BN.23); *qazaq ulusiniñ хanî Qāsimхан* (BN.23); *qazaq хan va sultānlarî* (BN.23) сингари.

Бобур ўз асарида *qazaqliq* деган сўзни ҳам қўллаган. Муҳими, бу сўз ўзагининг «халқ, улус» маъносидаги *qazaq* қа боғлиқлиги йўқ; у «сарсон-саргардонлик» маъносидадир. Муаллиф ўзининг сарсон-саргардонликда юрган чоғларини *qazaqliqlarda* деб эслайди (BN.27).

Демак, Бобур даврида Фарғона, Мовароуннаҳр ва Хуросондаги туркий улус *türk* номи билан юритилган, унинг тили, яъни Бобур ўз асарларида ишлатган ёзма адабий тил эса *türkî, türkî til* деб аталган.

### ёзган сўзлари

Туркий классик адабиёти ва адабий тилининг ривожига улкан ҳисса қўшганлар орасида улуғ мутафаккир Алишер Навоийга тенглашадигани чикмади. Бу ҳақиқатни замонасининг пешқадам олими Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам тўғри англаган эди.

Алишер Навоий асарлари тилининг ҳозирги ўзбек шеваларига муносабати хусусида ўзбек тилшунослари орасида ҳар турли қарашлар юради. Шулардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Навоий асарларининг тили ҳақида айтган сўзлари асосида юзага келди. Чунончи, у «Бобурнома»да Фарғона вилоятининг пойтахти Андижон таърифида ёзади: *Eli türkdür. Şahrî-vu bâzârîsîda türkî bilmäs kişi yoqtur. Eliniñ lafzi qalam bilä rāsttur. Ne üçün-kim, Mîr 'Alî-Şer Navāyîniñ muşannafātî bâvujūd-kim, Hirîda naşvu namā tapırtur, bu til bilädür* (BN.5; BN.critical.5).

Заҳириддин Бобурнинг ушбу сўзларини рўқач қилиб, баъзи олимлар Навоий асарлари тилининг асосини Андижон шеvasи ташкил этган дея қарайдилар (Дониёров 1968). Бошқа бир олимлар Навоийнинг Андижонда бўлмаганлигини ваъж қилиб, бу фикрни инкор этадилар (Абдуллаев 1968).

Таъкидлаш жоизки, бу ўринда Бобур ҳақ. Тарихда Навоий меросига, қолаверса, унинг ижодий маҳоратига холис баҳо берганлардан бири ҳам Бобур бўлади. Бирок, «Бобурнома»даги маълумотларни, тўғрироғи, матнни хато тушуниш, нотўғри талқин этиш оқибатида олимларимиз ичида турли баҳслар келиб чиқмоқда.

Англашилмовчилик матндаги *Eliniñ lafzi qalam bilä rāsttur* жумласининг хато талқин этилаётганида. Буни улар «Андижон элининг тили (яъни, шеvasи) адабий тил билан мос келади» дея изоҳлаганлар. Шундай бўлган тақдирда бунинг давомидаги Навоий асарлари хусусида айтилган мулоҳазалар ҳам ўз-ўзидан шунга боғланади-қолади. Ўша қарашни қувватлайдиган бўлсак, матнни «Ҳиротда юксакликларга эришган Навоий асарларининг тили ҳам айни шевадир» дея талқин этишдан бошқа йўл қолмайди.

Фикримизнинг исботи учун Бобур айтган ўша жумлаларнинг маъносини бир бошдан чақиб кўрайлик. Эътибор берилса, муаллиф, матнда Фарғона вилояти тўғрисида маълумот бера туриб, бу юртнинг халқи турклар, тилининг эса туркий тил эканлигини таъкидламоқда. Матндаги *Eliniñ lafzi qalam bilä rāsttur* жумласи икки хулосага олиб келади:

(1) мазкур жумлада Фарғона (Андижон) элининг лафзи (яъни, туркий тил) ёзма шаклда (бадий адабиёт орқали) машҳур эканлиги таъкидланмоқда;

(2) бу жумла мантиқан халқ тили адабий тилга яқин эканлигини ҳам англади. Адабий тил тарихида бундай ходиса учраб туради. Масалан, қорахонийлар даври адабий тилида кошғар шеvasи етакчилик қилган. Шундан келиб чиқиб, ўша давр адабий тили айрим манбаларда *kāşğar tili ~ kāşğarî til* деб ҳам аталган. Бобурнинг ёзмаларидан ҳам ўша даврда фарғона шеvasи адабий тилга жуда яқин эканлиги маълум бўлади.

Матн таҳлилида давом этамиз. Бобур Ҳирот адабий мактабининг намояндаси бўлган Алишер Навоий ҳақида сўзлаб, унинг ҳам асарлари ушбу туркий адабий тилда эканлигини таъкидлайди. Бунинг билан Бобур Навоий асарларининг тилига Андижон шеvasи асос бўлганлигини эмас, балки Фарғона ва Ҳирот адабий муҳитларида ягона адабий тил амал қилганини таъкидламоқда. Бобурнинг ушбу маълумоти Темурийлар давлатининг барча ўлкаларида ягона туркий адабий тил (эски ўзбек адабий тили // «чиғатой тили») амал қилганига гувоҳ.

Мулоҳазалардан келиб чиқиб, Бобурнинг Фарғона элининг тили тўғрисида ёзган сўзларини шундай талқин қилинса, тўғри бўлади: «Эли турқдир. Шаҳри ва бозорларида туркий билмас киши йўқдир. Элининг лафзи қалам билан [ёзма адабиёт тили, ёзма адабий тил билан] мосдир. Не учун-ким [ажабланарлиси], Мир Алишер Навоийнинг таснифлари [асарлари], (унинг ўзи) Ҳирийда ўсиб-улғайганлигига қарамай, ушбу тилда [яъни Фарғона ва Ҳирот адабий муҳитлари учун ягона бўлган адабий тилда]дир».

Навоий асарларининг тили ҳақида сўз кетганда уни ўша кезлардаги мавжуд шева­ларнинг бирортасига боғлаб қўйиш мумкин эмас. У Хуросондагина эмас, бутун Темурийлар салтанатида, Олтин Ўрда, қолаверса, мусулмон турк элларида амал қилган адабий тилда ижод қилди. У ўз ижоди билан темурийлар замонида амал қилган бутун бир адабий оқимнинг бошида турди, туркий адабий тилга етакчилик қилди. Бунини «Лисону-т-тайр» асарида унинг ўзи ҳам таъкидлаган эди:

Türk nazmida çu men tartip ’alam  
Äylädim ul mamlakatni yakqalam (LT.192a,3).

Навоий *tamlakatni yakqalam äylädim* деганда ўз асарларининг ҳамма учун тушунарли бўлган ёзма адабий тилда эканлигини қайд этаётир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам, асарларининг катта бир қисми Ҳиндистонда эканлиги чоғида яратилган эса-да, ана шу ёзма адабий тилда ижод қилди.

#### **Бобур айрим жой отларининг келиб чиқиши, тарихий отлари тўғрисида**

«Бобурнома»да муаллиф тарихий воқеаларни баён этар экан, кўплаб жой отлари, сув отларини ҳам тилга олади. Қизиғи шундаки, Бобур улар ҳақида сўзлар экан, билимли тилшунос, зукко олим сифатида, айримларининг этимологияси – келиб чиқиши, тарихий отлари, улар билан боғлиқ ривоятларга ҳам тўхталади.

Жумладан, Фарғона вилоятининг қасаба, кендлари ҳақида сўз юритиб, Конибодомга ҳам таъриф беради; Бобур уни *Känd-i-bādām* (کنندبادام) дейди (қаранг: BNFac-simile.9.13 ). Демак, ҳозирги Конибодом ўша кезлар шундай аталган экан.

У ёзади: *Känd-i-bādāmdur. Agarçi qaşaba emäs, yaxşiyına qaşabaçadur. Bādāmī yaxşī bolur. Bu jihattin bu ismıya mavsūmdur* (BN.9).

Умаршайх мирзонинг вилояти тўғрисида сўзлар экан, ёзади:

*Farḡāna vilāyatī edī va Xōjand va Ora-tepā-kim, aṣl-i atī «Usrūšna»dur, «Usrūš» ham derlār. Xōjandnī ba’ḍi dāhil-i Farḡāna tutmaslar. Sultān Aḥmad mirzā-kim, Taškāndgā moyul üstigā barīp, Ğīr suyī yaqasīda-kim, šikast taptī. Ora-tepāda Ḥāfızbeg dolday edī, (’Umar-šayx) mirzāya berdi. Andīn beri Usrūšna ’Umar-šayx mirzā taşarrufida edī* (BN.17).

Юқоридаги матнда *Usrūšna, Usrūš* деб келтирилган топоним «Бобурнома» асарининг кўлёмасида *alif-u vāv* билан эмас, *alif* нинг ўзи билан ёзилган. Матннинг бошқа ерида [*u*] товушининг *alif* билан берилиш ҳолати учрамайди. Шунга кўра, бу жой отини [*a*] билан ўқилгани маъқул: *Asrūšna* (اسروشنه) (BN.Fac-simile.17.14; 18.3); *Asrūš* (اسروش) (BN.Fac-simile.17.14). Эски ўзбек тилининг қондаси бўйича бу сўз [*a*] билан талаффуз қилинган кўринади.

Бобур Тошкентнинг тарихи ҳақида ёзади: *Ul furşatta Taškānd vilāyatī ’Umar-šayx mirzā taşarrufida edī-kim, kitāblarda Šaš bitirlār, ba’ḍi Čač bitirlār-kim, «kamān-i čači» andīn ibārattur,*

berdi. O'shal fursattin tārīx-i toquz yüz sekizgäčä Taškänd va Šāhruhiyya vilāyatī čayataу ханлариниң таšarrufida edi (BN.11).

«Бобурнома» асарининг қўлёмасида бу шаҳарнинг оти *Taškänd* (تاشكند); унинг эски отлари эса *šīn alif šīn*; бошқа бир оти *čīm alif čīm* ҳарфлари билан ёзилган: *Šaš* (شاش) ва *Čač* (چاچ) (қаранг: BNFac-simile.13.4–5).

Бобур яна Самарқанднинг жойлашган ўрни ҳақида сўз юритар экан: ... *šimāli Taškänd* va *Šāhruxiyya-kim*, «Šaš» va «*Banākat*» bitirlār деб ёзади (BN.93). Шунга қараганда, *Šāhruxiyya* нинг тарихий оти *Banākat* бўлган экан.

Маҳмуд Кошғарий *Taškend* ни *Taškän* деб келтирган. У ҳам ўтмишда бу шаҳар *Šaš* аталганини урғулайди: *Taškän* – *Šaš* нинг оти. Унинг асли *Taškend* бўлиб, «тошдан қурилган шаҳар» демакдир (ДЛТ.176).

Бобур ўз даврининг билимдон этимологларидан бири эди. У Самарқанд ва унинг тарихий оти ҳақида ҳам қизиқ маълумот берган. У ёзади:

Samarqandni Īskandar binā qilyandur. Moʻul va türk ulusī «Semizkänd» derlār. Temür-beg pāytaxt qilip edi. Temür-begdin burun Temür-beg-deg uluу pādšāh Samarqandni pāytaxt qilyan emästür (BN.91).

«Samarqand» ўтмишда «Semizkänd» аталганини Маҳмуд Кошғарий ҳам айтиб ўтган. У *kend~känd* сўзига изоҳ берар экан, шундай ёзади:

*kend~känd* – ўғузлар ва улар билан яқин турувчилар тилида «қишлоқ», кўпчилик турклар наздида «вилоят»дир. Шунинг учун *Faryāna* ни *Özkend* – «ўз шаҳримиз» дейдилар. *Samarqand* ни катталиги учун *Semizkend* – «семиз шаҳар» дейдилар. Буни форслар *Samarqand* тарзида қўллайдилар (ДЛТ.140).

Бобур Самарқанд теварагидаги вилоят ва туманотлар тўғрисида сўз юритиб, Кешни ҳам тилга олган. У ёзади: *Yana Keš vilāyatidur*. ... *Bahārlar šahrāsī-vu šahrī* va *bāmī-vu tamī xōb sabz bolur üçün*, «*Šahr-i-sabz*» ham derlār. *Temürbegniң zād-u budī Kešdin üçün*, *šahr-u pāytaxt qiluriya köp sa'у-u ehtimāmlar qildi* ... *Čün Kešniң qābiliyyatī šahr bolmaqqa Samarqandča emäs edi*, *āxir pāytaxt üçün Temürbeg Samarqandni-oq ixtiyār qildi* (BN.101).

Бобур Самарқанд теварагидаги вилоят ва туманотларни таърифлар экан, Қаршини ҳам тилга олган. Бобур ёзади:

*Yana Qaršī vilāyatidur-kim*, «*Nasaf*» va «*Naxšab*» ham derlār. «*Qaršī*» moʻulča attur, «*gōrxāna*»ni moʻul tili bilā «*qaršī*» derlār. *Ġālibā*, bu at Čingiz-xan tasalluṭidīn sōņ bolıandur (BN.101).

Бу ўринда Бобур *qaršī* сўзининг этимологиясига бирёқлама ёндашган. У *qaršī* сўзининг мўғулчада сақланиб қолган биргина маъносига эътибор қаратаётир, холос. Бу сўз мўғулча эмас, соф туркийдир. У мўғулчага ўзлашиб, у тилда сўзнинг «гўрхона» маъносигина сақланган. Бобур ана шуни кўзда тутган кўринади. Ваҳоланки, *Qaršī* сўзи жой оти сифатида «гўрхона» маъносидаги *qaršī* га боғланаётгани йўқ.

Қадимги туркий тилда бу сўзнинг қўлланиш қўлами анча кенг. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида у «қаср, сарой; ўрда» маъноларида келади:

*Yana qaršīqa bardī ewdin turur*. – «Уйдан чиқиб яна саройга борди» (ҚБС.210).

Асарда *qaršī* сўзи *saray*, *ordu* сўзлари билан жуфт ҳолда ҳам қўлланади:

*Qaršī-saray* – *жуфт*. «қаср-сарой»: *Bu kün munda etmä bu qaršī-saray*. – «Бу кун ба ерда қаср-сарой(лар) безатма»;

qarši-ordu – *жуфт*. «қарши-ўрда»: Qalir qarši-ordu, saraylar qamuу. – «Қарши-ўрда, саройларнинг бари қолади» (ҚБС.210).

Бобур жой отлари тўғрисида сўз юритар экан, халқ орасида тарқалган бунинг билан боғлиқ ривоятларни ҳам четда қолдирган эмас. Масалан, Хўжанднинг ғарбидаги Ходарвеш деган жой тарихи тўғрисида шундай ёзади:

Xōjand bilä Känd-i-bādām arasida bir dašt tūšüptür, Hā-darvešya mavsūmdur. Hamiša bu daštta yel bardur. Maryinānya-kim, šarqīdur, hamiša mundin yel barur. Xōjandya-kim, yarbidur, dāyim mundin yel kelür; tund yellari bar. Derlär-kim, bir nečä darveš bu bādiyada tund yelgā yoluqur, bir-birini tapa almay, «Hā darveš, hā darveš», dey-dey tamām halāk bolurlar. Andin beri bu bādiyanī «Hā-darveš» derlär (BN.9).

Ёки, бошқа бир ўринда, Умаршайх мирзонинг масоф ва урушлари тўғрисида сўзлар экан, ёзади:

Üç maşaf uruštī. Avval Yūnus-xan bilä Andijānning šimāl tarafida Sayxūn daryāsiniñ yaqasida Tākä-sekritgü degän yerdä. Bu jihatdin ul mavda' bu ismıya mavsūmdur-kim, taу dāmanasi jihatdin bu daryā andaq tar aqar-kim, rivāyat qilurlar-kim, ul yerdin tākä sekrigändür, maylüb bolup elikkä tūštī. Yana Yūnus-xan yaxšiliq qilip, vilāyatıya ruxsat berdi. Bu yerdä uruš bolıyan üçün Tākä-sekritgü uruši ul vilāyatta tarix boluptur (BN.15).

Юқоридаги матнда қайд этилган жойнинг оти асар қўлёзмасида *Tākä-sekritgü* (تکه سيكرينگو) деб берилган (BN.Fac-simile.17.1, 5). Муаллифнинг ёзишича, бу жойнинг оти *tākä sekrigän* (تکه سيكرينگان), яъни «така сақраган» сўзидан олинган (BN.Fac-simile.17.3).

Бобур сўзларнинг қайси маънодан келиб чиққанини ҳам яхши билади. Унинг ёзишича: Alačanñ vajh-i tasmiyasī munī derlär-kim, qalmaq va moʻyul tili bilä «öltürgüçi»ni «alači» derlär. Qalmaqnī nečä qatla basip, qalın kişisin qırıyan üçün «alači» dey-dey kasrat-i iste'māl bilä «Alača» boluptur (BN.23).

### Бобур ишлатган айрим жуфт сўзлар семантикаси

Бобур асарнинг бадиийлиги ошириш, айрим нозик тушунчаларни ифодалаш мақсадида жуфт сўзлардан ҳам унумли фойдаланган. Асардан олинган қуйидаги жумлаларга эътибор қилинг:

Sultān Aḥmad mīrzā kamsuxun-u faqīr va ādamī kişi edi. Har söz-ün va iş-küç beğlärsiz qarār tarımas edi (BN.33). Бу ўринда *söz-ün* – «маслаҳат; ўртага ташланадиган фикр», *iş-küç* – «амал; бажариладиган ишлар» маъносидадир.

Бобур Ҳусайн Бойқаро ва ўғли Бадиуззамон ўртасидаги можаролар тўғрисида сўз юритиб, уни шундай хулосалайди: Āxir atalıq-oʻyulluq arasida bu guft-u gōylar aña munjarr boldi-kim, atasī atasiniñ üstigä va oylī oyliniñ üstigä Balx-u Astrābādqa čerig tarttilar (BN.83). Ушбу жумлада ишлатилган *atalıq-oʻyulluq* «яқинлик, ота-ўғиллик» маъносидадир.

Бобур ёзади: Taškāndgä xan qaşıya bardim. Šāh-begimni va uruq-qayaşni ham yeti-sekiz yıl bar edi, körmäydür edim, bu bahāna bilä alarnī ham körüldi (BN.113). Бу жумлада кечган *uruq-qayaş* – жуфт сўз, «қариндош-уруғлар» англамидадир.

Қадимги туркий тилда: *qadaş* ~ *qadaş* – «қариндош; туғишган» дегани. Бобур қўллаган *qayaş* эса [d]~[δ] нинг [y] га ўзгарган шаклидир: *d* ~ *δ* > *y*.

Ёки яна: Бу *jamā'atni qalın atliу-yaуaq* kelip, ul yerdin kötärip köčägä yiqipturlar (BN.277). Бу жумлада кечган *atliу-yaуaq* – ҳарбий атамалар бўлиб, «отлик ва пиёда қўшин»ни англатади.



Har yergä baryan-körgän nokarlarım yüyildilar (BN.245).

Энди қуйидаги жумлаларга эътибор қилинг:

Sultān Mas'ud mīrzāniñ beg-u içkisi va yigit-yalañi āzurda bolup edilār (BN.115).

Beglār-u içkilār va yigitlār-kim, meniñ bilā qalīp edilār, aksariniñ köçlāri Andijānda edi (BN.113).

Beg-u begātdin va yigit-yalañdin yeti-sekiz yüz kiši mendin tamām ayrıldilar (BN.113).

Сўнги жумладаги *yigit-yalañ* сўзи «Бобурнома»нинг Харвард университетида тайёрланган нашридаги транскрипцияда *yigit-yelāñ* деб берилган. Бунда жуфт сўзнинг иккинчи компоненти *yel* сўзига боғланган чамаси. Аслида бу жуфт сўзни *yigit-yalañ* шаклида берилгани маъқул. Сабаби *yalañ* сўзи «ёш, йигирма-ўттиз ёшлардаги», ҳатто «турмуш қурмаган, боши очик йигит-қизлар»га нисбатан ишлатилади: ўзбекчада *ёш-яланг* дейди. Ёки *бошяланг* – «бошида рўмоли ёки бош кийими йўқ киши»ни айтади. Тошкентнинг шарқий биқинида Яланғоч (< Yalañyaç) деган ер бор. Бу «яп-ялонғоч» дегани эмас, «яланглиқ; очик жой», яъни *yalañliq* деган маънони беради.

Юқоридаги жумлада кечган Beglār-u içkilār va yigitlār бирикмаси инглизчага The families of most of the begs, *içkis* деб; кейинги жумладаги Beg-u begātdin va yigit-yalañdin бирикмаси эса begs and warriors деб таржима қилинган (*қаранг*: BN.112).

Бу ўринда *içkilār* – «сарой ичидаги юқори мансабли кишилар»дир; *beg-u begāt* даги *begāt* – *beg* нинг кўплик шакли; тўғрироғи, стилистик жиҳатдан қаралганда, унинг кучайтирма шаклидир; *yigit-yalañ* деганда – «ёш-яланг, йигит-яланг» тушунилади.

*Чоғиштиринг*: Yaraš tarhīn araya salīp içkārīdin Maḥmūd barlas keldi. Tašqarīdin Ḥājī Pīr bökāwül-u uluḡ aḡalar va ne-kim bolyan sāzanda-vu xvānanda kelip ... (BN.71).

Ёки яна: Āxir Badī'u-z-zamān mīrzā araya tūšup, yarašip, içkārī-tašqarī tūškān yigitlārni alīšip, yandīlar (BN.71).

Таржимада сўзларнинг ана шундай нозик маънолари инobatга олингани маъқул.

Жуфт сўзларнинг ишлатилишига яна мисоллар:

Qara-bulaqqa tūškāndā ba'ḍi kirgān kend-kesākkā bašsīzliq qīlyan moḡullarni tutup keltürdilār (BN.81). Бу жумлада кечган *kend-kesāk* «кичик-кичик кендлар» деган маънодадир.

Meniñ anam egāčisingā qorḡanda turup, bolyan köç-u uruq va kiši-qarasini Ora-tepāgā čiqarip yibārdi, özi bir nečā kiši-qarasī bilā jarīda qorḡanda turdi (BN.183). Бу жумладаги *kiši-qarasī* «оддий кишилари, халқи, фуқароси» маъносидадир.

Čün qīš yawuq bolup edi, el ašliq-tölükini tamām kötārip edilār, bu jihatlardin nečā kündin söñ Andijān sarī murāja'at qīlildi (BN.65). Ушбу жумладаги *ašliq-tölükini* «овқати ва кийимларини» деган маънодадир.

Бобур қарама-қарши маъноли сўзларни жуфтлаш, сўз қайтариғи, яъни бир сўзни такрорлаш усулларидан ҳам унумли фойдаланган.

Асарда қарама-қарши маъноли сўзларни жуфтлаш билан англашилаётган маъно умумлаштирилади: Xusravšāhnīñ yaxšī-yaman, uluḡ-kičik nokarī tört-beš miñ bolḡay edi (BN.71).

Mašvarat qīlip, ölüḡ-tirigni Samarqand qorḡaniniñ içidā körüp, qorḡanni berkitmāk bolduk (BN.183).

Ušbu yurtta ekāndā, Kābulniñ üstigā fi'l-hāl barurni-barmasni kejšildi (BN.259). Бу жумладаги *barurni-barmasni* «бориш ёки бормасликни» англамидадир.

Матнда сўз қайтариғи, яъни сўзлар такрори маънони кучайтиради:

Uluḡ-uluḡ beḡlär va yaxşı-yaxşı yigitlär, qalın kişi bu uruşta talaf boldi (BN.183).

Barip mulāzamat qilsam, ötkän küduratlar raf' bolsa, yīraqta-yawuqta eşitür, körärgä yaxşı bolıyau (BN.63). Бу жумладаги yīraqta-yawuqta узоқ-яқинда деган маънони англатади.

Нумеративларда сўз қайтариғи билан миқдор оширилади: Āxir közä-közä suw keltürüp quyuq, tasqı elni naqbdin qaçurdılar (BN.69).

### **«Бобурнома»да тилга олинган хатт-и бобурий ҳақида**

Хатт-и бобурий (бобурий хати) Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тилшунос сифатидаги улуғ кашфиётидир.

«Бобурнома»да уч ўринда бобурий хати ҳақида сўз боради.

Биринчиси, тўққиз юз тўққизинчи (1503–1504) йил воқеалари баёнида, Бобурнинг ўз кишилари билан Кобулда эканлиги чоғида олиб борган сиёсати, бу ўлкада олиб борилган ишларни эслаб тилга олинган. Бобур: Uşbu maḡallarda bāburī xattni ixtirā' qıldim, деб ёзади (BN.299).

Иккинчиси, тўққиз юз ўн биринчи (1505–1506) йил воқеалари баёнида, Кобулда эканлиги чоғида Қози Ихтиёр ҳақида сўз борганда, бобурий хати ҳам тилга олинган. Мана Бобурнинг ёзганлари:

Qādī İxtiyār va Muḡammad Mīr Yūsuf bilä kelip meni kördilär. Bāburī xattdin söz çiqti. Mufradātni tilädi, bitidim. Oşol majlisdä mufradātni oquq, qavā'idini bitip, nimälär bitidi (BN.373).

Учинчиси, Бобур Ҳиндистонда эканлиги чоғида, тўққиз юз ўттиз бешинчи (1528) йил воқеалари баёнида тилга олинган. Бобур ёзади:

Humāyunnin oylı bolıyannin tahniyyatıya va Kāmranın kadxudāliqinın tahniyyatıya Mīrzā-yi Tabrizini va Mīrzābeg tayayini on miş şāhruxi saçiq bilä yibärildi. Özüm kiygän ton va baylayan kamar har ikki mīrzāya yibärildi. Mullā Bihiştidin Hindālya muraşsa' kamar-u xanjar va muraşsa' davāt-u şadafkārliq şandali va kiygän nīmça-vu tägband va bāburī xattnin mufradātini yibärildi. Yana bāburī xatı bilä bitilgän qit'alar yibärildi. [Humāyunya tarjumanı-kim, Hindustānya kelgäli aytqan aş'arnı yibärildi.] Hindālya va Xvāja Kalānya ham tarjuma va aş'ar yübärildi. Mīrzābeg tayayidin ham Kāmranıya tarjuma va Hindqa kelgäli aytqan aş'ar va bāburī xatı bilä bitilgän sarxatqlar yibärildi (BN.759).

Бобурнинг ёзганларидан англашиладики, олимнинг ихтиро қилган алифбоси муайян доирада амал қилган. Бу ёзувда котиблар тарафидан турли жанрдаги шеърлар, сархатлар битилган. Ўз вақтида улар турли муносабатлар билан кўшни ўлкаларга совға сифатида ва муҳим битиглар сифатида юборилган. Буларнинг бари Бобур подшоҳ кузатувида амалга оширилган. Лекин, не ажабким, уларнинг бирортаси бизгача етиб келмаган ёки, бор бўлса ҳам, ҳозирча фанга маълум эмас. Келгусида бирор қўлёзма хазинасидан чиқиб қолар. Чунки уларнинг бари ҳукмдорлар ва таниқли кишиларга йўлланган эди.

Муҳими шундаки, Машҳад шаҳридан Қуръони каримнинг бобурий хатида кўчирилган нусхаси топилди. Тарих китобларида Бобур ўзи ихтиро қилган ёзувда Қуръони каримни кўчиртириб, Маккага юборганлиги тўғрисидаги хабарлар бор. Эҳтимол бу қўлёзма ҳам ўша нодир китоб бўлиши мумкин.

Нима бўлганда ҳам, бобурий хати қандай ёзув?, унинг имло принциплари қандай эди? деган саволлар филолог-мутахассисларни қизиқтириши табиий. Бунинг ечимини топишга чоғланиб кўрайлик.

Тарихчи Муҳаммад Тоҳир ибн Қосимнинг 1645 йили Балхда Саид Нодир Муҳаммадхон топиши билан ёзилган «Ажойиб ат-табақот» асарида хатт-и бобурий билан боғлиқ муҳим бир факт бор (Азимджанова 1963). Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида 409- ҳамда 411- рақамлари остида асарнинг қўлёзмалари сақланмоқда.

Китоб етти бўлимдан иборат. Уларда оламнинг яратилиши, пайғамбарлар, ер ва коинотнинг ҳолати, баъзи ажойиб ишлар, ғаройиб илмлар ҳақида сўз боради.

409- рақамли қўлёзманинг 241a–242b- саҳифаларида «*Dar ta'ayyuni xutut az anvāi o*» («Хатлар ва унинг турларини билиш ҳақида») сарлавҳаси остида муайян тартибда ўн тўртта алифбо келтирилган. Алифболарнинг бошида уларнинг оти ҳам ёзиб қўйилган. Шулардан ўнинчи алифбо хатт-и бобурийдир. Унинг бошланишига *Xatṭ-i bāburī inast* деб ёзилган. Шундан сўнг хатт-и бобурийнинг 28 ҳарфи келтирилиб, ҳар бири ўқилиши шундай деган маънода арабча ҳарфлар билан изоҳлаб чиқилган. Алифбодаги ҳарфлар сираси қуйидагича (ўнгдан чапга – фақат арабча ҳарфларни келтирамиз):

ا ب ت ث ج ح خ د ذ ر ز س ش ص ض ه ط ظ ع غ ف ق ك ل م ن و ه ل ا ي

411- рақамли қўлёзмада ҳам хатт-и бобурий алифбоси бор (у қўлёзманинг 67b- бетида). Бироқ, ушбу қўлёзмада жами ўнта алифбо намунаси берилади. Хатт-и бобурий уларнинг ўнинчисидир. Муҳими шундаки, ушбу алифбода 29 ҳарф келтирилади. Улар ҳам арабча ҳарфлар билан изоҳлаб чиқилган. Мазкур алифбода юқоридаги алифбо ҳарфлари қаторига ۛ ва ۞ ҳарфлари ҳам қўшилган. Бу алифбодаги ҳарфлар кетма-кетлиги қуйидагича:

ا ب ت ث ج ح خ د ذ ر ز س ش ص ض ط ظ ع غ ف ق ك ل م ن و ه ل ا ي

Баъзи олимлар Заҳириддин Бобур ўз ёзувини уйғур хати негизида тузган, деб қарамоқдалар. Лекин, юқорида келтирилган алифболар бу фикрни тасдиқламайди. Бизнингча, муаллиф хатт-и бобурийни бошқа бирор алифбо негизида тузган бўлуви керак.

Бобур ўз ғазалларидан бирида *bāburī xatṭi* билан бирга *xatṭ-i siyṅaqī* ни ҳам қаламга олган. *Xatṭ-i siyṅaqī* эски туркий ёзувлардан бири бўлиб, классик ўзбек адабиёти намояндлари асарларида қўлланган сўзларга бағишланган «Абушқа» луғатида ушбу ёзув тўғрисида яхши ва аниқ маълумот берилган. Луғат тузувчиси *siyṅaq* сўзини изоҳлар экан, у муайян ёзувнинг оти экани, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз ғазалларидан бирида уни тилга олганини таъкидлайди ва ғазалнинг ўша байтини мисол келтиради. Мана унинг ёзганлари:

*Siyṅaq – bir nav' xatdur, Siyṅatayda xatṭ-i bāburī va ʻayri kibi-ke, Bābur mīrṣā aš'ārīnda kelür.*  
 Bayt:

*Xūblar xatṭi nasibīḡ bolmasa, Bābur, ne taḡ,  
 Bāburī xatṭi emäsdür, xatṭ-i siyṅaqīmudur (DDT,278).*

*Siyṅaq* атамаси, чамаси, ўрта асрлар Сирдарё бўйидаги турк маданий марказларидан бири бўлган шаҳар отига боғланади. Ана шу ўлкада ишлатилган ёзув шундай аталган бўлуви мумкин.

Бобур ўз шеърида бу ёзувни *xatṭ-i siyṅaqī* деб атамоқда. Шоир бу ёзувни тилга олишига қараганда, у ўз замонида анчайин тарқалган кўринади.

Яна ушбу байтда ажойиб сўз ўйини ишлатилган: *xūblar xaṭṭī* – гўзаллар лабининг усти; *Bāburī xaṭṭī* деганда икки нарса: Бобурга тегишли ҳам ёзув, ҳам унинг лаблари кўзда тутилаётир; *xaṭṭ-i siynaqī* да ҳам шундай.

Сигнақ хатининг намуналари ҳозирча маълум эмас. Лекин у қадимги туркий ёзувлардан бири бўлгани аниқ. Далиллар тўла-тўқис аниқлангунга бу масала очик қолади.

### Туркий ёзув имлоси ва китобат иши билан боғлиқ маълумотлар

«Бобурнома»да *bāburī xaṭṭī* деб аталувчи ёзув билан бир қаторда араб алифбоси негизида шаклланган туркий ёзув ва унинг услублари, имло хусусияти, китобат иши ҳақида ҳам сўз юритилган.

Турклар араб алифбосини ўз тилларига мослаб ўзлаштирганлар. Шунинг учун ҳам асл араб алифбоси билан туркий тилга мосланган алифбо орасида имло тизимида, ҳарфларнинг вазифаларида анчагина фарқ бор.

Араб алифбоси негизидаги туркий ёзувнинг имло принциплари пухта ишланган эди. Ёзувда унлиларни ифодалаш учун алифбодаги учта ҳарф – *alif*, *vāv*, *yā* ҳамда ҳаракатлар, турли ҳарфий ишоратлардан фойдаланилган.

Маълумки, турклар ўтмишда кенг қўллаган уйғур хатида унлилар ёзувда изчил тарзда ифода этилар эди. Турклар араб хатини ўзлаштирганларида қадимги туркий ёзувнинг ана шу принципини сақлаб қолдилар. Оқибатда, араб хати асосидаги туркий ёзувда ҳам унлилар учун *alif*, *vāv*, *yā* ҳарфлари, кўпинча, тўлиқ ишлатиладиган бўлди.

Ёзувнинг бу хусусияти ўша замон тилшунослари назаридан четда қолган эмас. «Аттуҳфату-з-закийяту филлуғати-т-туркийя» асарининг муаллифи араб алифбоси негизидаги туркий ёзувнинг имло хусусиятлари тўғрисида шундай ёзади: «Билгилки, турк тилида шакл йўқ. Шакл йўқлиги учун бир қанча аниқсизлик ва хатолар пайдо бўлар эди. Шунинг учун ана шу аниқсизликдан қутилиш учун от, феъл ва ҳуруфни ёзишда махсус шакл қўллаш усулини қабул қилдилар. Яъни *fathā* ўрнида *alif*, касра ўрнида *yā*, *ḍamma* ўрнида *vāv* қўллаш бошладилар» (АЗФТ,10).

Бунда муаллиф «турк тилида шакл йўқ» деганда туркий ёзувда товушлар тизимидаги «чўзиқлик» ва «қисқалик»ни бериш муҳим эмаслиги, диакритик белгиларнинг турғун вазифаси йўқлигини кўзда тутган; «ана шу аниқсизликдан қутилиш учун от, феъл ва ҳуруфни ёзишда махсус шакл қўллаш усулини қабул қилдилар» деганда эса арабий ё форсий матнлардан фарқли ўларок, туркий сўзларни ёзишда матнда унлиларни ҳарфларда тўлиқ бериш қондаси жорий этилганини кўзда тутди (*қаранг*: Содиқов 2020,270–271).

Туркий имлодаги бу ўзгачаликка Бобур ҳам катта урғу қаратган ва унинг илмий жиҳатларини асослаб берган эди. У ўзининг аруз илмига бағишланган «Мухтасар» асарида туркий имло ҳақида маълумот бериб, ёзади: *Yana alif-u vāv-u yā dur-kim, türkî imlāsida fathā va ḍamma va kasra niñ 'alāmatīdur, talaffuzğa kelmäs, taqṭī'da sāqīt bolur, γāyataš ba'di maḥalda mutallafaz bolsa, mujavuzdur* (Мухтасар,23а,9–11).

Энг муҳими, «Мухтасар» асарида Бобур поэтология, хусусан, аруз нуқтаи назаридан араб алифбоси негизидаги туркий ёзувнинг ўзига хослиги, имлоси, ҳарф ва товуш муносабатлари, ҳарфларнинг шеърий тизимдаги вазифаларини, туркий шеър ўлчовларининг фонологик қоидаларини ёритиб берди.

«Бобурнома»да китобат иши ва ёзув амалиёти, ҳужжатчилик ишлари билан боғлиқ бутун бошли атамалар тизими қўлланган.

Масалан, асарда «ёзишма, мактуб» маъносида *хатт* (араб. خط), *'ardadāšt* (форс. عرضه داشت) атамалари ишлатилган: Sultān Ḥusayn mīrzāniḡ bu хаттларī mūjib-i nā-umidlik boldi (BN.251).

Бобур ўз асарида *kitābat* (араб. كتابة) атамасини ҳам ишлатган. УАлишер Навоий билан бўлган ёзишмасини, хатини ана шундай атаган. Мана ўша ёзганлари: Bu ikkinċi navbat Samarqandni alġanda, 'Alī-Šer-beg tirig edi. Bir navbat meġā kitābatī ham kelip edi. Men ham bir kitābat yībārip edim, arqasīda türki bayt aytip, bitip yibārip edim. Javāb kelgünċā, tafriqa-vu ġavvā boldi (BN.175).

«Бобурнома»да муҳрнинг бир тури сифатида *ċahārsu muhr* тилга олинган. Асарда Мир Ғиёс тоғайи тўғрисида сўз борар экан, ёзади: Moġul mīrzādalarī arasīda Sultān Abusa'id mīrzā ešigida mundin ilġārirāk kiši yoġ edi. Sultān Abusa'id mīrzāning ċahārsū muhrī munda edi (BN.29).

Илк ва ўрта асрларда Марказий Осиёнинг йирик маданий марказларида қоғоз ишлаб чиқаришга катта эътибор берилган. Шаркнинг бир қанча марказларида ишлаб чиқарилган қоғоз дунё бозорида доврўф қозонган эди. Жумладан, Самарқанд, Ҳирот қоғози ўзининг сифати билан ажралиб турарди.

Бобур Самарқанддаги ҳунарманчилик ишлари, шаҳарнинг доврўф қозонган яхши молтаварлари тўғрисида сўз юритар экан, Самарқанд қоғозини ҳам тилга олади. У ёзади: 'Ālamda yaxši kāġad Samarqanddin ċiqar. Juvāz-i kāġadlar suyi tamām Kān-i-gildin kelādūr. Kān-i-gil Siyāh-āb yaqasīdadur-kim, bu qara suni «Āb-i-raḡmat» ham derlār (BN.97,99).

Бобур хинд китобати ҳақида ҳам биз учун қизиқ бўлган маълумотни келтирган. У Ҳиндистон набототи ҳақида сўз юритар экан, *tār* деб аталувчи дарахтни тилга олади. Унинг кўриниши, япроқларини таърифлаб, хинди хатини дафттар йўсинли ана шу япроқларга битишларини таъкидлайди. У ёзади:

Yana bir tārdur, tārninġ šāxlarī ham bašīda-oġ bolur. Tārġa ham xurmā-deg közā baylap, suyiñi alip iċādūrlār. Bu suni «tārī» deydūrlār. Muniġ kayfiyyatī xurmā suyiñinġ kayfiyyatīdin tundraġ bolur emiš.

Tārninġ šāxlarinġ bir qarī-bir yarim qarīġaċa heċ bargi bolmas. Andin soġ otuz-qirġ barg šāxinġ uċīda bir yerdin-oġ panġa uradur. Bu barglarinġ uzunluġi bir qarīġa yawušur. Hindi хаттларni daftar yosunluġ bu barglarda хeyli bitiydūrlār (BN.613).

Бобур ўз даври ҳукмдорлари ҳақида сўз юритар экан, уларнинг билим даражасига, китоб ўқишига ҳам эътибор қаратади. Жумладан, отаси Умаршайх мирзонинг ахлоқ ва атвори тўғрисида сўз юритар экан, ёзади: Ravān savādī bar edi. «Xamsatayn» va mašnavī kitāblarni va tārixlarni oġur edi. Aksar «Šāhnāma» oġur edi. Tab'-i nazmi bar edi, vale še'ġa parvā qilmas edi (BN.13).

Муаллиф ўз даврида шуҳрат қозонган хаттотларни тилга олар экан, улар қандай хат турида қалам сурганларига ҳам алоҳида эътибор қилади. Жумладан, Али Дарвеш тўғрисида сўзлар экан: Mardāna kiši edi, nasxta'liġ хаġini tavri bitir edi, деб ёзади Бобур (BN.29).

Ҳусайн Бойқаронинг умароси ҳақида сўз юритар экан, Хожа Абдулло Марворий ҳақида: Xuġutni xōb bitir edi. Ta'liqni xōbraġ bitir edi, inšāni xōb qilur edi, деб ёзади Бобур (BN.363).

Бобур Ҳирот адабий ва маданий муҳити тўғрисида сўз юритар экан, котиб Султон Али Машҳадийни ҳам тилга олади. У ёзади:

Xušnavīslardīn agarči heylī kiši bar edi, vale barīniņ sarāmadī nasx-ta'liqda Sultān 'Alī Mašhadī edi. Mīrzā üčün, 'Alī-šerbeg üčün qalīn kitābatlar qıldi. Har kündä otuz bayt Mīrzā üčün va yigirmä bayt 'Alī-šerbeg üčün biti(r) edi (BN.379)

«Бобурнома»да ўрта асрлар учун муҳим саналган кутубхоналар тўғрисида ҳам маълумот бор. Муаллиф Ғозийхоннинг қўрғонини забт эткан чоғда, унинг кутубхонасига ҳам кирганлигини ёзади: Ğāzīxannīñ kitābxānasīya kildim. Bir nečä nafīs kitāblar čiqti. Bir nečāsini Humāyunya berip, bir nečāsini Kāmranya yibārdim. Mullāyāna kitāblar xud bisyār erdi. Vale anča nafīs kitāblar-kim, köz tuturulur edi, anča čiqmadī (BN.555).

Бобур ўрта асрлардаги илм тармоқлари, уларнинг йирик намояндалари ҳақида ҳам маълумот берган. Масалан, Ҳирот илмий муҳити ва унинг вакиллари ҳақида ёзади:

Yana Mīr Jalāluddīn muḥaddis edi. Ḥadīs 'ilmīni Xurāsānda anča bilūr kiši yoq edi (BN.371).

Yana Mīr 'Aṭāullāh Mašhadī edi. 'Arabīyyat 'ilmīni yaxši bilūr edi. Qāfiyada bir fārsī risāla bitiptūr (BN.373).

Yana Qādī İxtiyār edi. Qādīliqni xōb qıldı. Fiqhda bir fārsī risāla bitiptūr, tavr risāladur. Yana bir maḍmūn bilä iqtibās üčün āyat-i kalāmīni jam' qılıptur (BN.373).

### **Захириддин Муҳаммад Бобурнинг шажараси**

Бобур ўз асарида ўрта асрларда яшаб, юртларни бошқарган султонлар, хонларнинг олиб борган сиёсати, эзгу ёки ёвуз ишлари, жангу жадаллари ҳақида сўзлар экан, уларнинг насл-насаби, келиб чиқиши, оиласи, хотин ва ўғил-қизлари ҳақида ҳам тўлиқ маълумот келтиради. Ушбу маълумотлар шу қадар аниқ ва ҳарёқлама тўлиқки, улар асосида ҳукмдорларнинг шажарасини тиклаш мумкин. Айрим ўринларда муаллифнинг ўзи ҳам сулалаларнинг шажарасини келтириб ўтади. Ушбу маълумотлар ҳозирги тарихнавислик илми учун ҳам ўта муҳим ва аҳамиятлидир.

Қуйида асарда келтирилган маълумотлар асосида Захириддин Муҳаммад Бобурнинг шажарасини келтирамиз.

#### **Захириддин Муҳаммад Бобурнинг туғишганлари:**

'Umaršayx mīrzā –

хотинлари ва улардан туғилган ўғил-қизлар:

(1) Qutluḡ Nigār-xanīm (Čayatau-xan ning naslidan бўлмиш Yūnus-xan ning иккинчи кизи; Sultān Maḥmūd-xan va Sultān Aḥmad-xan ning эгачиси) → ўғил-қизи: Zāhīruddīn Muḥammad Bābur; Xānzāda-begim (Bābur dan беш ёш улуғ).

(2) Fāṭima Sultān (мўғулнинг туман бегларидан) → ўғли: Jahāngīr mīrzā (Bābur dan икки ёш кичик).

(3) Umīd (андижонлик; ғунчачи эди) → ўғил-қизлари: Nāšir mīrzā (Bābur dan тўрт ёш кичик); Mehr-bānū-begim (Bābur dan икки ёш улуғ); Šahr-bānū-begim (Bābur dan саккиз ёш кичик).

(4) Aḡa Sultān (ғунчачи эди) → қизи: Yādgār Sultān-begim.

(5) Maḥdūm Sultān-begim → қизлари: Ruḡayya Sultān-begim; Qara-köz-begim (иккаласи мирзонинг ўлиmidан кейин туғилган) (*қаранг:* BN.17,19).

#### **Бобурнинг отаси Умаршайх мирзонинг шажараси:**

'Umaršayx mīrzā –

Sultān Abu-Sa'īd mīrzā ning tўrtinchi ўғлидир;  
 Sultān Aḥmad mīrzā, Sultān Muḥammad mīrzā, Sultān Maḥmūd mīrzā дан кичик эди (улар Bābur ning амакиларидир).

Sultān Abu-Sa'īd mīrzā Sultān Muḥammad mīrzā ning ўғлидир.

Sultān Muḥammad mīrzā Mīrānshāh mīrzā ning ўғлидир.

Mīrānshāh mīrzā Temūr-beg ning учинчи ўғлидир. У 'Umaršayx mīrzā билан Jahāngīr mīrzā дан кичик, Šāhrux mīrzā дан улуғ эди (қаранг: BN.13).

**Бобурнинг бобоси (она тарафидан) Юнусхоннинг шажараси:**

Bābur ning онаси Qutluḡ Nigār-xanīm; у Yūnus-xan ning қизидир.

Yūnus-xan Ṣayataу-xan наслиданدير.

Боғланиши шундай: Yūnus-xan ibn-i Vays-xan ibn-i Šer-'Alī Oylan ibn-i Muḥammad-xan ibn-i Xiḍr Xvāja-xan ibn-i Tuyluḡ Temūr-xan ibn-i Esān Buqa-xan ibn-i Dua-xan ibn-i Baraq-xan ibn-i Yesūn-tüvä ibn-i Mötükān ibn-i Ṣayataу-xan ibn-i Čingiz-xan (қаранг: BN.19).

**Бобурнинг ота уруғи тарафидан шажараси:**

Temūr-beg (1336–1405)

Temūr-beg ning ўғли Mīrānshāh mīrzā (1367–1408).

Mīrānshāh mīrzā ning ўғли Sultān Muḥammad mīrzā.

Sultān Muḥammad mīrzā ning ўғли Sultān Abu-Sa'īd mīrzā (1424–1469).

Sultān Abu-Sa'īd mīrzā ning ўғиллари:

(1) Sultān Aḥmad mīrzā (1451–1494);

Амакиси Султон Аҳмад мирзонинг ўлими ҳақида Бобур ёзади: Ora-terpā navāḥīsī Aq-suḡa yetkändä šavvāl ayiniḡ avāsitiḡda tārix sekiz yüz toqsan toquzda qırq tört yaşıda 'ālam-i fānīdin vidā' qildi (BN.35).

(2) Sultān Muḥammad mīrzā;

(3) Sultān Maḥmūd mīrzā (1453–1495);

Амакиси Султон Маҳмуд мирзонинг ўлими ҳақида: Rabīu-l-āxir ayida ... qavī 'āriḡa yūzlānip altī күndä 'ālamdin keçti. Qırq üç yaşar edi, deb ёзади Бобур (BN.51).

(4) 'Umaršayx mīrzā (1456–1494).

Умаршайх мирзонинг ўлган кун-ой-йили: Бобур отасининг фожеали ўлимини эслаб ёзади: ... ғarīb vāqe'a dast berdi ... Ušbu tārixda dušamba күni ramaḡān ayiniḡ törtidä 'Umaršayx mīrzā jardin kabūtar-u kabūtarxāna bilä uçup, šunqar boldi. Otuz toquz yaşar erdi (BN.33).

'Umaršayx mīrzā ning ўғли Bābur mīrzā (1483–1530).

Бобурнинг тахтга ўлтурган санаси (кун-ой-йили): хижрий 899 йил. Бу санани эслаб: Sešanba күni ramaḡān ayiniḡ beşidä tārix sekiz yüz toqsan toquzda Farḡāna vilāyatida on ikki yaşta pādişāh boldum, deb ёзади Бобур (BH.5; BN.3).

Асарни кўчирган котибнинг китоб охирида келтирган маълумотиға кўра Бобур ўлимининг санаси шундай: toquz yüz otuz yetidä jumādi-l-avval ayiniḡ altisida çahārbāyida-kim, oşul pādişāh öz qolī bilān ābād qilip erdi, ḡālī mutayayyir bolup, bu ālam-i bevafāni padrud qildi (BH.356).

Асарни кўчирган котибнинг китоб охирида келтирган маълумотиға кўра: ul pādişāhqa teḡri ta'ālā tört oḡul va üç qiz karāmat qilip erdi.

Оʻylanlar: (1) Muḥammad Humāyun pādīshāh; (2) Kāmṛān mīrzā; (3) Mīrzā Askarī; (4) Mīrzā Hindāl.

Qizlar: (1) Gulrang-begim; (2) Gulčehra-begim; (3) Gulbadan-begim. Ušbu üç qiz bir anadan erdilär (BH.357).

Muḥammad Humāyun pādīshāh ning ўғли Akbar šāh.

**Сўнги сўз.** Заҳириддин Муҳаммад Бобур улуғ ҳукмдор, ажойиб саркарда, беназир адиб ва тарихчи, адабиётшунос, мусиқашунос бўлиши билан бирга, кучли тилшунос ҳам эди. Бобурий хатини айтмаганда, унинг тилшуносликка оид махсус асари йўқ. Олим «Бобурнома» асарини ёзар экан, ора-орада айрим жой отларининг этимологияси ҳақида мушоҳада юритади, уларнинг тарихий отлари ҳақида маълумот беради. Яна бир жиҳати, асарда муаллиф туркий тилнинг бой имкониятларидан унумли фойдаланган. У сўзларни билиб-билиб ишлатади, сўзларнинг маънолари, уларнинг услубий хусусиятларини англашда ҳар бир адиб ва тарихчи Бобурга тенглашавермайди. «Бобурнома» юксак балоғат даражасида ёзилган асардир. Буларнинг бари тил билими соҳасида Бобур кучли билим эгаси, ўтқири тилчи олим эканини англатиб туради.

Бобур Фарғона, Мовароуннаҳр ва Хуросон элларининг туркий улуси учун умумий бўлган ёзма адабий тилда, яъни *türkî til* да ижод қилди. У ёзма тилдан фойдаланибгина қолмай, ўзининг шеърий, насрий асарлари, илмий китоблари билан туркий тилнинг чексиз имкониятларини кўрсатиб берди; туркий ёзма адабий тилнинг равнақи учун хизмат қилиб, уни юксакликларга олиб чиқди.

### Ҳавола этилаётган асарлар:

*A3ΦT* – Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия (Туркий тил (кипчоқ тили) ҳақида ноёб туҳфа). Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. – Тошкент, 1968.

*BN* – *Zahiruddin Muhammad Babur Mirza*. Bâburnâma. Part One, Two, Three. Chaghatay Turkish Text with Abdul-Rahim Khankhanan's. Persian Translation, Turkish Transcription, Persian Edition and English Translation by W.M. Thackston, Jr. / Sources of Oriental Languages and Literatures –18. Edited by Şinasi Tekin. Gönül Alpay Tekin. Turkish Sources – XVI. / Published at The Department of Near Eastern Languages and Civilizations. Harvard University, 1993.

*BH* – *Заҳириддин Муҳаммад Бобур*. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. – Тошкент, 1989.

*BNFac-simile* – «Бобурнома»нинг Хайдаробод қўлёзмаси: The Bâbar-nâma (Fac-simile). Edited by Annette S.Beveridge. – London, 1905.

*BN.critical*. – *Zahir Al-din Muhammad Babur*. Babur-nama (Vaqayi'). Critical edition based on four Chaghatay texts with introduction and notes by Eiji Mano. Kyoto Syokado, 1995.

*FK* – «Фавойиду-л-кибар»: Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган Suppl. Turc. 317 / 1513 кўрсаткичли Навоий қуллийетида (202b–265b).

*DDT* – Dictionnaire Djaghatai-turc. V. de Viliaminof-Zernof. – SPb., 1869.



*ДЛТ* – Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи Қ. Содиқов. – Тошкент, 2017.

*ЛТ* – «Лисону-т-тайр»: Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган Suppl. Turc. 316 / 1513 кўрсаткичли Навоий куллиётида (155b–193a).

*МА* – «Мезону-л-авзон»: Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган Suppl. Turc. 317 / 1513 кўрсаткичли Навоий куллиётида (269b–277b).

*Мухтасар* – Заҳриддин Мухаммад Бобур. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасан. – Тошкент, 1971. (Мисоллар иловадаги факсимиле матндан олинди).

*ҚБС* – «Қутадғу билиг» сўзлиги. Тузувчи Қ. Содиқов. – Тошкент, 2020.

*Абдуллаев 1968* – Абдуллаев Ф. XV аср ўзбек адабий тилининг диалектал асослари масаласи. – Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент, 1968. 238–257- б.

*Азимджанова 1963* – Азимджанова С. Новые сведения о «Хатт-и Бабури». – XXVI Международный конгресс востоковедов. Доклады делегации СССР. – Москва, 1963. С. 5–10.

*Дониёров 1968* – Дониёров Х. Алишер Навоий тилининг диалектал асосларини ўрганиш масаласига доир (унлилар системаси ҳақида). – Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент, 1968. 279–301- б.

*Нисорий 1993* – Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб. Форс тилидан И. Бекжон таржимаси. – Тошкент, 1993.

*Содиқов 2004* – Содиқов Қ. Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. – Тошкент, 2004. 66–72- б.

*Содиқов 2020* – Содиқов Қ. Эски ўзбек ёзма адабий тили. – Тошкент, 2020..

